

МЕЙМОРИЙ САЛОҲИЯТ ВА НАҚШИН БЕЗАКЛАР

Шаҳзода Йўлдошева

Қўйон ДПИ Муҳандислик графикаси ва дизайн йўналиши  
магистранти.

**Аннотация:** *Мазкур мақолада тарих саҳнасида улугвор меъморчиликдаги ва салоҳиятли ўзбек нақшин тасвирлари ҳақида фикр юритилади. Унда меъморчилик ва тасвирий санъати ҳамда амалий безак санъатининг энг нодир ва аҳамиятли безак композицияларига оид тарихий-илмий маълумотлар берилади.*

Ўзбек меъморчилиги, тасвирий ва амалий санъатида нақшин безаклар муҳим ўрин тутади. Нақшлар энг қадимий санъат ва маданий ҳаёт ёдгорликларига, халқ амалий санъати намуналарига, ноёб меъморчилик обидаларига, буюм ва ёдгорликларга гўзаллик баҳш этиши билан бирга ҳаётдаги амалий вазифасидан келиб чиқиб, санъаткорнинг бадиий-эстетик диди, маҳорати ва характеристини белгилаб беради.

Бундай ажойиб нақшлар фақатгина ўтмиш ёдгорликлари мулки бўлиб қолмасдан, ҳозирги ўзбек давр наққошлари, рассомлари, меъморлари ва турли касб-хунар эгаларининг ҳам бебаҳо мулкидир.

Яна бизга маълумки юртимизнинг нафакат маданий ва жамоат бинодари ва балки яшаш хонадонларини ҳам бой-зодагон оиласалар турли сурат нақшлар билан безаганлар.

**МЕЙМОРИК БЕЗАКЛАРИ.** Меъморчиликда “эпиграфика” (юонча - битик)нинг қўлланилиши тегишли худуд ёки миллатнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларидан келиб чиқиб амалга оширилган. Эпиграфика (юонча – ёзув) қаттиқ жисмлар тош, металл, сопол ва бошқалардаги ёзувлар (битиклар). Эпиграфика ёзувларини ҳаттот усталар бажарганлар.

Ҳаттотлик - араб ҳусниҳат ёзуви, каллиграфия - ёзув (хат)санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадиий буюмлар китобаларини яратиш касби ҳисобланади. У ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келган.

Тарихда уч машҳур хукмдор – Амир Темур, Улуғбек Мирзо ва Амир Ялангтўш Баҳодир ўzlари қурдирган меъморчилик обидалари билан Самарқандни «Ер юзининг сайқали»га айлантиришган. Амир Темур Самарқандни пойтахтга айлантириб, нақшинкор бинолар силсиласини

қуришни бошлаб берган бўлса, шаҳарнинг юраги хисобланган Регистон майдони Улугбек Мирзо даврида вужудга келгандир.

(У вактда бу майдон «Сардавонак» деб аталиб, тахминан «Сари жўйи давонак» – «Тез оқар ариқ боши» маъносидадир). Улугбек бу майдонда мадраса, хонақоҳ ва карвонсарой каби уч бинодан иборат ўзига хос обидалар гулдастасини яратади

Шердор ва Тиллакори мадрасаларини қурдирган Ялангтўшибий Баҳодир бундан ҳам улуғвор обидалар бунёд этишга қурби етар эди. Бу сўзни шунинг учун ҳам келтираётимизким, баъзи хорижий ва маҳаллий обидашунослар-нинг фикрларича, Ялангтўш Баҳодир Улугбек Мирзонинг обидаларидан фақатгина кўчирма олиб, гўё бошқача тусдаги обидаларидан фақатгина, гўё бошқача тусдаги обидалар яратишга унинг давридаги усталар қодир эмас деган эканлар. Ваҳоланки, Шердор билан Тиллакори мадрасалари Самарқанд шаҳрига зеб бериб турган энг кўркам обидалардандир. Ўзининг «Олчин» уруғини темурийларнинг «Барлос» уруғидан кам кўрмайдиган Ялангтўшибий Баҳодир камтарлик қилиб, темурийларга ҳурмат юзасидан, ўзининг обидаларига Улугбек мадрасасининг тузилишини нусха қилиб олади Бошқача қилиб айтганда, у Регистон майдонида ҳар хил обидалар гулдастасини барпо этишни хоҳлар эди Самарқанд ҳокими Баҳодир Ялангтўшибий Шердор биносини қуришда Улугбек мадрасасидан ўзиб кетишини мақсад қилиб қўймаган. Аксинча, у султон Улугбекка чексиз ҳурмат-эътибор рамзи сифатида унинг эзгу ишларини давом эттирган.

Шердор мадрасаси бош пештоқида илоҳий калималар, Аллоҳ ва унинг расули Мухаммад пайғамбарнинг улуғланиши ҳақидаги оят ва хадислар бор. Уларга шу даражада жозибали ва мафтункор ишлов берилганки, ёзувларни гўзал нақшлардан ажратиб ўқиш ниҳоятда қийин. Хаттотлик санъати зеб-зийнатлар билан нақшланган бу ёзувларни ноёб санъат асарига айлантирган. Шердор мадрасасидаги битиклардан англашиладики, ушбу мадраса Ҳовон Имомқули Мухаммадхон розилиги билан Амир Ялангтўшибий Баҳодир томонидан бино этилган. У хижрий 1042 (мелодий 1619) йилда қуриб битказилган. Қуръони Каримдаги «Наҳл» сурасининг оятлари мадрасани бунёд этишга асос қилиб олинган.

.Самарқанддаги Шердор мадрасаси безакларини безашда Ялангтўшибий Баҳодирнинг пири бўлмиш авлиё Хожи Хошимий Даҳбедий эпиграфик нақшларни мантиқий ечимини ва тизимини жуда тўғри танлаб асосий концептуал асосини Қуръони Каримдаги “Наҳл сураси”ни танлаб олади. 2

Ушбу берилган икки оятни мажозий маъноларини кўриб чиқамиз. “Аллоҳ таолонинг ҳайвонотларга, жумладан, асаларига ваҳий қилиши унга илҳом бериши ҳисобланади. Аллоҳ таоло асаларини яратганда унга бир ҳис – туйғу ҳамда илҳомни қўшиб бергани учун, у қўпгина ақлли инсонлар қила олмайдиган аниқлик билан ўзига топширилган ишини бажаради. Жумладан, тоғлардан, дараҳтлардан ва одамлар кўтариб қўйган сўриток каби нарсалардан ўзига уй тутади”.

Энди ушбу Нахл сурасининг 70-оятни тавсифини кўриб чиқамиз. Одамларни яратган зот Аллоҳдир. Шунинг учун ҳам инсон Яратгувчисига шукрда, иймонда ва ибодатда бўлмоғи лозимдир. Лекин қўпчилик бундай қилмайди. Ношукр, коғир ва осий бўлади. Ҳамма билиб қўйиши лозим. Табиийки, вафот эттирган Зот ҳисоб – китоб ҳам қиласи. Ўлимдан олдин бунга ҳам тайёро бўлиши керак. Буни ҳам ўйлаб қўйиш лозим. Агар ишлар инсоннинг истагича бўлса, одамзод ўлимни хоҳламагандек, қариб, ақл – хуши кетиб, ҳеч нарсага ярамайдиган бўлиб қолишни ҳам ҳеч истамаслиги аник.

Аммо ўлим ҳам, қарилик ҳам сўрамай қелади. Инсонлар ўлимдан ваъз-насиҳат олгандек, қариликдан ҳам ўзларига панд-насиҳат олишлари лозим. У Зот ҳамма нарсани билиб қиласи. У Зотнинг ҳамма нарсага қудрати етади. 5.

Шердор мадарасасининг ёзувлари халқни ҳидоят ва маърифат йўлига бошлиш билан бирга, XVII аср ҳаттотлик санъатининг нодир намуналаридан ҳисобланади.

Регистон мажмуасидаги ёдгорликлар – Улугбек мадрасаси, Шердор ва Тиллакори мадрасалари ёзувларининг таржима ва таснифлари буюк маданий меросимизни мантиқан ўрганиш ва уни тарғиб этишда муҳим ўрин тутади..

Айниқса Ҳожа Мухаммад мусаввир ўтмиши Ҳирот, Самарқанд, Бухоро мактаби анъаналарининг давомчиси эканлиги таъкидланади. XVII аср тасвирий санъати меъмарорчиликда ҳам кенг ишлатилганлигини қўришимиз мумкин. Бу борада, айниқса, 1619- 1635 йилларда қурилган Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқига ишланган тасвиirlар катта эътиборга эгадир. Бу бино пештоқининг нақшинкор композицияси билан уйғун тасвириланган. Офтоб фонида охуга ташланаётган шеърнинг сурати жозибали бир қўринишда акс эттирилган.

Шер ва охунинг тасвири чиройли шакл, аниқ мазмун ва қўринишга эга бўлиб қолмасдан, табиат оламининг сиру-асрорларини эслатаётган рамзий белгига ўхшаб кетади.

Меъморчилик кишиларга жамият моддий маданиятининг бир қисми бўлиши билан бирга санъат асари ҳам ҳисобланади .

Меъморлар эса бу вази-фаларни бадиий воситалар билан ечади. Улар бинонинг вазифаси, қулайлиги, фойдаси, тежамкорлигидан ташқари уларнинг гўзал бўлиши, одамларда маълум ҳистуийгуларини, қайфиятни ўйготиш ҳакида фикр юритадилар.


Меъморчилик Темур ва Темурийлар даврида кенг ривож топди. XV аср охири XVI аср бошларида рўй берган Европадаги Уйғониш даври асосини қадимги давр мумтоз меъморчилик анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш ташкил этади. Натижада бинолар ҳаддан зиёд безакдор қуриладиган бўлди. Шу асосда классизм услуби пайдо бўлди.

Ўзбекистонг меъморчилигининг юксак намуналари сифатида Бухорода-ти Исмоил Сомоний мақбараси, Калон минораси, Абдулазизхон мадрасаси, Самарқанддаги Шоҳи Зинда ансамбли, Бибихоним масжиди, Регистон (Шердор, Тиллақори, Улугбек мадрасалари) мажмуаси, Амур Темур мақбара-си, Урганчдаги Жарқўргон, Фаҳриддин Розий ва Тўрабекхоним ёдгорлик-лари, Хивадаги Иchan қалъа, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси кабиларни кўрсатиш мумкин.

Миллий меъморчилик тарихида шуҳрат қозонган меъморлардан Устод Бақо, (Бухородаги Минораи Калон”), Муҳаммад Юсуф (Шахрисабздаги “Оқ сарой”), Уста Абдужаббор (Самарқанддаги “Шердор” ), Шамсиддин ва Зайниддин Бухорийлар (Самарқанддаги “Шоҳи Зинда ансамбли), Уста Ширин Муродов (Бухородаги Ситораи-Моҳи Хоса”) ларни эслаб ўтиш жоиздир.

**ГИРЕҲ НАҚШЛАРИ.** Ўзбекистон ва унга яқин қўшни худудлар ўтмишида яратилган гиреҳларни чуқур илмий асосларда тадқиқ этиш иши “Ўзбекистон архитектура орнаменти” (Ремпель) китобида ва “IX-XV асрлар Ўрта Осиёси архитектурасида геометрик уйғунлаштирма” китобидаги “Архитектуравий орнамент” боби (Булатов, 262- 305 –бб)да айниқса маромига етказиб адo этил-тан. Кўрсатиб ўтилган асарларда X асрдан кейинги даврларга мансуб Араб ота мақбараси (Самарқанд вилояти), Мирсайд Бахром ровоти (Кармана), Равоти Малик карвон саройи, Жума масжиди (Хива), Афросиёб (Самарқанд) хароба-лари, Термиз саройи, Вобкент ва Жарқўргон миноралари, Мино-раи Калон, Моғоки Аттор ва номозгоҳ масжидлари (Бухоро), Хўжа Аҳмад Яссавий мақба-раси (Туркистон), Регистон майдонидаги Улугбек, Шердор ва Тиллақори мадрасалари, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда ансамблидаги кўпгина бино-лар, Ишратона (Самарқанд) , Оқ сарой (Шахри-сабз) ва Бухоро-даги қўплаб масжид ва мадрасалар, Кўкалдош ва Бароқхон мадрасалари, Занги

ота мақбара-си (Тошкент), Худоёрхон саройи ҳамда масжидлари (Қўқон)ни безашда қўлла-нилган кўплаб гирехлар тадқик этилган. Куйида Ремпель асарининг гирехлар-ни тадқик этишга оид қисмларидан намуналар келтириб ўтамиз. Ўз ўрнида қайд қилиб ўтиш ўринлики, Ремпелнинг таъкидлашича, унинг китобидаги гирехларга алоқадор барча чизмаларни таникли наққош Зокирхон Воситхонов томонидан бажарилган.



1-расм. а- Термиз қасри деворларидан бирига ганчни ўйиб ишланган безак ва б, в) безакдаги нақш учун ишлаб чиқилган ҳандасий шарҳ вариантилари.

1-расмда XII асрга мансуб Термиз қасри (Термиз ҳокимлари қароргоҳи) деворларининг бирига ганчни ўйиб ишланган безакн фотосурати келтирилган.1, б-в расмда ги шарҳда аввалги расмдаги гирехнинг ушбу китобда шартли равишда КК12 кўринишида белгиланган кристаллографик композиция асосида қурилганлиги кўрсатилган.

Турли-туман гирехларни яратишга усталар уларнинг қизикарли ва бетакрор бўлиб чиқишига харакат қилиш билан бравобар гирехдаги такрорланувчи шакллар тури миқдорининг имкон қадар оз бўлишига ҳам ҳаракат қилганлар. Бундай масала одатда кошинкорлик талаблари билан боғлиқ холда пайдо бўларди. Масалан, -б расмдаги композиция бўйича тегишли нақшни биргина турдаги кошин нусҳалари асосида ҳосил қилиш мумкин. Лекин худди шундай наижага 1 расм - в расмдаги композиция асосида ҳам эришилади.

Деярли барча гирехлар геометрияси асосида айланани teng бўлакларга бўлиб: teng томонли учбурчак (мусаллас). квадрат (мурабба), муңтазам бешбурчак (муҳаммас), муңтазам олти бурчак (мусамман), муңтазам етти бурчак (мусабба), муңтазам саккизбурчак, муңтазам ўн бурчаква муңтазам ўн икки бурчак ёки анашу томонлар сонига teng бўлган кўп учлилар (юлдузлар) қуриш ётган дейиш мумкин. 4

4. Абдураҳмонов Ш. Чизмалар яратишда кўлланилган ҳандаса илми. – Т.: “Фан ва технология”, 2017 й. 155 бет.

Ўзбекистонда ҳозирги замон меъморчилиги намуналаридан Тошкентдаги Алишер Навоий номли театр, “Чорсу”, “Ўзбекистон” меҳмонхоналари, “Халқлар дўстлиги” саройи, Цирк биноси, Навоий шаҳридаги турар жой бинолари мавжуд. 5

**КЎКАЛДОШ МАДРАСАСИ БЕЗАКЛАРИ**. Кўкалдош мадрасаси Тошкент шаҳрининг меъморий ёдгорлиги ҳисобланади. Уни Кулбобо Кўкалдош 1551-1575 йиллари курдирган. У Тошкентнинг марказий Чорсу майдонида жойлашган. IX-X асрларда Бинокент номи билан маълум бўлган. Тошкент баланд деворлар билан ўралган бўлиб, ўн иккита дарвозалари бўлган. Бу деворларни муғиллар истилоси даврида вайрон қилинган. Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида (XIV-XV асрларда) эса Тошкент қайтадан тикланиб, йирик феодал шаҳарга айланди. Йирик қўпгина ҳашаматли бинолар бунёд қилинди.



2 расм. Самарқанд. Улуғбек мадрасаси жанубий девор портали облицовка фрагменти. (1417-1420 йиллар). 3 расм. Тошкент шаҳридаги Кўкалдош мадрасаси пештоқидаги безакнинг кўриниши.

Кўкалдош мадрасаси XVIII аср бошларида қаровсиз ҳолга келиб қолган ва карвонсарой омбори сифатида фойдаланилган. 1886 ва 1946-йиллардаги зилзила-лар оқибатида вайрон бўлган. Бир неча бор таъмирланиши натижаси-да мадрасанинг ташки кўриниши ўзгариб кетган. Мадрасанинг олд томонига анъанавий усулда зинапоя ишланган. 6

З-расмда квадратнинг тўртта бурчагидаги катагига Муҳаммад ёзилган. Яратгувчи сўзини ва тўртта чеккада Муҳаммад сўзи оч ҳаво рангда ёзилган. Бир хил рангли ёзувларни қўшсак беш рақамини беряпти. Бу билан фоний дунёга Яратгувчи оламининг тўрт томонига расулини яъни

комил инсон бўлмиш охирги пайғамбарларни юборгай. Сизларга Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарни ибрат учун юборган. Сизлар ундан ибрат олингиз. У эзгулик элчисидир. 7

Квадратнинг тўрт бурчагидаги катакка Муҳаммад сўзи битилган. Яратгувчи ва Муҳаммад сўzlари оч ҳаво рангда ёзилган. Бир хил рангли ёзувлар бешта. Бу ҳам бежиз эмас. Айтилмоқчики, яратгувчи бандаларига охирги пайғамбарни юборди, у зот ибрат ва эзгулик элчиси. Унга эргашмоқликнинг энг тўғри йўли - ислом динининг беш рукни: иймон, намоз, рўза, закот ва ҳаж. Ушбуларга амал қилинг, асло кам бўлмайсиз.

Навбатдаги квадратнинг ичидаги чархпалакнинг ички тўрт томонида соат миллари ҳаракатига, яъни катта чархпалакнинг ҳаракат йўналиши томонига қарама-қарши ҳаракат тасвирангланган.

Бу - дунёда ёвуздик ҳам мавжудлиги, улар эзгулика зид йўналишда ҳара-катланишига ишора. Ҳаёт қарама-қаршиликдан иборат деган маъно берди.

Аслида юртимиз тасвирий ва амлий санати жуда қадимийdir. Ислом дини ўрнатилганга қадар иморатлар қўпроқ сюжетли тасвир, буюмларда зооморф суратлар ишланган. Улар ўсимликсизон ва геометрик нақшлар билан тўлдирилган. Деворий суратларда қўпроқ меҳмон кутиш, ҳар-хил маросимларнинг ижро этилиши, ов жараёни тасвирангланган

Шунингдек, тасвиrlарда персонажларининг мавқеи ҳам эътибордан четда қолмаган. Мисол учун подшонинг сурати асосий (доминант) рол ўйнаган. Шоҳ суратини алоҳида деворда катта хажмда ишлашни тақозо этади. Шундай композицияни Вараҳша саройининг шарқ томонидаги кутубхонада ва Панжакент саройида кўрамиз.

Меъморий обидаларнинг деворида, шифт, эшик, устунларида ва амалий санъат бумлар безаги композициясини бойитишда X-XII асрлардай бошлиб ёзув катта рол ўйнаган. Ёзувлар асосан араб алифбосида (куфий, сульс, насх) маъно жиҳатдан диний, фалсафий, тарбиявий мавзуларда битилиб, буюм муаллифи ва яратилган санаси ёзиб қолдирилган. Ҳарфлар тизимидан сер-маъно жумлалар, сержило, нафис композициялар яратилган.

Ўрта Осиёда ёзув ҳарфларининг ўзидан гул чиқариб ёзиш одати ҳам бўлган. Хуллас, меъморчиликда халқ амалий безак санъатида ҳарфларнинг ўзидан безакли нақшлар тузилган, ёзувлардан чиройл эпиграфик қатор, яхлит композиция ҳосил қилинган ва улар безак билан ўзаро bogланиб, бир-бирини композицион бойитган ҳамда буюм безаги композициясига мутано- сибликни таъминлашга хизмат қилган.

Ховли, уй-жой меъморчилигада безак мазмунига ҳам эътибор берилган. Масалан, аноргул, анор шакли нақшларини кўплаб учратамиз .Шуни эслатиб ўтиш керакки, олма- муҳаббат, анор, узум - эзгулик, тўқин - сочинлик рамзи хисобланган.

Асрлар давомида яратилган улкан маданий бойлигимиз, хусусан ўзбек миллий амалий безак санъатида кенг тарқалган турларининг ўзига хослиги, мактаблари, бажариш технологияси, услублари, уларни яратган усталар муборак номларини йўқотишга ҳаққимиз йўқ. Ана шу сабаб бу ноёб санъат дурдоналарини сақлаш, уларни ёшларга ўргатиш муҳим вазифамиздир.

Хусусан бизнинг тадқиқотимиз ҳам айнан меъморчилик санъати ва уни самарали ўргатиш масаларига бағигланган экан, биз ҳам ўз тадқиқотимизни Олий таълимда архитектура- қурилиш чизмачилигини ўқитиши жараёни ўқитишининг анъанавий ва ноананъавий шаклларидан фойдаланиш, самарали воситаларини қўллаш тажрибаларини таҳлил қилишда албатта салаюали ва улуғвор нақшин безакларни ўрганиш ва уни ҳозирги замога мослаштириб , келажакда ҳам замонавий, ҳам миллий меъморчилигимизнинг оригинал намуналарини яратишга йўналтирамиз ҳамда замоновий-миллий дизайн талаблари асосида ўқитиши методикасини ишлаб чиқишига ҳаракатларимиз бор.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР;**

- 1.Булатов С.С., Пўлатова М. Гўзаллиқдаги коинот фалсафаси. (Монография). Т.: “Иқтисод-молия”. 2013 йил.
2. Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. -Самарқанд: Суғдиёна. 1994, 53-бет..
- 3..Куръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. “Шарқ” нашриёт- матбаа актсиядорлик компонияси босмахонаси. 2000 йил.
4. Абдураҳмонов Ш. Чизмалар яратишида қўлланилган ҳандаса илми. – Т.: “Фан ва технология”, 2017 й.
5. Ўзбекистон санъати. (1991-2001йиллар). Тошкенгт, Шарқ. 2001 й.
- 6..Зоҳидов П.“Зеб ичра зийнат». Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т.; 1985 йил.
7. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. З-жуз, Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр.-Т.: “Ҳилол-Нашр”, 2018 йил



Самарқанд. Шердор мадрасаси сарой аркаси пилонидаги кошин безаги  
(XVII аср). М. Сагатов ишланмаси.

*Турсуналига 13-21 бетлар*